XALQ DEPUTATLARI QIZILTEPA TUMANI KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 22 - noyabr VI-27-46-5-72-K/21 Qiziltepa tumani hokimligi

Тумандаги айрим маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларига ўзгартириш киритиш ва янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш тўғрисида.

“Ғойибон” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 12 апрелдаги 26-сонли, “Ғамхўр” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 12 апрелдаги 4-сонли, “Шейхон” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 12 апрелдаги 10-сонли, “Консурун” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 12 апрелдаги 9-сонли, Фурқат маҳалла фуқаролар йиғинининг 2021 йил 12/1-сонли илтимосномалари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимяти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 48-сонли Қарорига мувофиқ Халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Тумандаги **“Ғойибон”, “Ғамхўр”, “Шейхон”, “Консурун”, Фурқат** маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг хулосасига асосан янги

тузилаётган маҳаллаларга **“Навқирон”, ”Нурафшон”, “Мустақиллик”, “Ифтихор”, “Бунёдкор”** номи берилсин.

3. Бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган маҳалла фуқаролар йиғинининг

Ер майдони 1- иловага мувофиқ;

аҳоли сони 2 - иловага мувофиқ;

худудий чегаралари 3 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокими ўринбосари (Н.Ҳайитов), туман Статистика бўлими (Ҳ.Очилов), Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи (О.Тўхтаев), туман қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш;

“Ғойибон”, “Ғамхўр”, “Шейхон”, “Консурун”, Фурқат, “Арабхона”, “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўзгартирилган чегара чизмалари;

“Ғойибон”, “Ғамхўр”, “Шейхон”, “Консурун”, Фурқат маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ташкил этилаётган **“**Навқирон**”** ”Нурафшон”, “Мустақиллик”, “Ифтихор”, “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегара чизмаларини 15 кун муддатда тайёрлаш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокими ўринбосари (З.Рашидова), Ички ишлар бўлими (А.Абдураимов), Давлат Солиқ инспекцияси (В.Ражабов)лар билан биргаликда мазкур қарор билан янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига ўзгартиришлар киритиш;

Янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинига думалоқ муҳр ва тамға ясаш;

Маҳалла фуқаролар йиғинига ИНН рақами очиш рухсатномаси

бериш, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

6. Туман ҳокими ўринбосарлари (Н.Ҳайитов, Ҳ.Алиев, З.Рашидова, Н.Жўраев) билан биргаликда;

15 кун муддатда янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинини маъмурий бино билан таъминлаш мақсадида, ўша ҳудудда жойлашган давлат ва нодавлат ташкилотларига тегишли бўлган бўш турган бинолар ва хоналарга вақтинчалик жойлаштириш бўйича ўз таклифларни киритиш;

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинига номи ёзилган кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш;

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинини лозим бўлган мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси топширилсин.

7. Туман Молия бўлими (Н.Мусаев) янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил қилинаётганлиги муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғини раиси, раиснинг ободонлаштириш томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ҳамда оила хотин-қизлар ва ижтимоий–маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари лавозимига қўшимча штат бирликларини ажратилишини таъминласин.

8. Туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (З.Рашидова), туман ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Р.Ортиқов) янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинида, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонунинг талаблари асосида маҳалла ҳудудида, кўчаларда вакиллар йиғилишлари ўтказилиб, сайлов йиғилишига вакиллар нормаси асосида вакиллар сайлаш, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш учун камида 3 нафардан муносиб кадрлар захирасини шакллантириб, туман ҳокимига таклиф киритиш вазифаси юклансин.

9. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (А.Умедов), “Қизилтепа

тонги” газетаси таҳририяти (Р.Мақсудов)ларга мазкур қарорни ОАВларида расмий эълон қилиш ҳамда хокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан кучга кириши белгилансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Ҳайитов), туман ҳокими ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (З.Рашидова) ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

Сессияда раислик қилувчи **У.Бобожонов**

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 22 ноябрдаги
VI-27-46-5-72-K/21-сон қарорига
1-илова

“Ғойибон”, “Ғамхўр”, “Шейхон”, “Консурун”, Фурқат маҳалла фуқаролар йиғинларининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер майдони

1	“Ғойибон” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 2922.4 га	“Ғойибон” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 848,4 га	Янги ташкил этилаётган “Навқирон”маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони 2,074 га
2	“Ғамхўр” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 1289,1 га	“Ғамхўр” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 671,2 га	Янги ташкил этилаётган “Нурафшон”маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони 617,9 га
3	“Шейхон” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 2690,8 га	“Шейхон” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 2497,0 га	Янги ташкил этилаётган “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони 348,2 га
	“Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 542,6 га	“Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 387,5 га	

4	“Консурун” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 37480,43 га	“Консурун” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 6153,0 га	Янги ташкил этилаётган “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони 31803,0 га
	“Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 1580,0 га	“Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 1342,0 га	
5	“Фурқат” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 207.5 га	“Фурқат” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 127,7 га	Янги ташкил этилаётган “Бунёдкор”маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони 79,8 га

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 22 ноябрдаги
VI-27-46-5-72-K/21-сон қарорига
2-илова

“Ғойибон”, “Ғамхўр”, “Шейхон”, “Консурун”, “Фурқат”маҳалла фуқаролар йиғинининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли сони

1	“Ғойибон”маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Ғойибон” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Навқирон”маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони(нафар)
	4876	2341	2535
2	“Ғамхўр” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Ғамхўр” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Нурафшон”маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони(нафар)
	4756	2386	2370
3	“Шейхон” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Шейхон” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Мустақиллик”маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)
	3959	3076	
	“Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	
	2551	1685	1749
4	“Консурун” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Консурун” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Ифтихор”маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони(нафар)
	3856	2754	
	“Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	
	3175	2805	1472

5	“Фурқат” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони (нафар)	“Фурқат” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Бунёдкор”маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони (нафар)
	4394	2026	2368

Халқ депутатлари Қизилтепа
туман Кенгашининг
2021 йил 22 ноябрдаги
VI-27-46-5-72-K/21-сон қарорига
3-илова

Бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг чегаралари

№	**МФЙнинг умумий чегаралари**	**Бўлинадиган МФЙ чегараси**	**Янги ташкил этиладиган МФЙ чегараси**
1	**“Ғойибон”маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий чегаралари**	**“Ғойибон”маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**	**Янги ташкил этилаётган “Навқирон”маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**
	Ғойибон Мароч Навганди Шаббода	Ғойибон	Мароч Навганди Шаббода
2	**“Ғамхўр” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий чегаралари**	**“Ғамхўр” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**	**Янги ташкил этилаётган “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**
	Ғамхўр 1026 та хонадон	Ғамхўр 523 та хонадон	Ғамхўр 503 та хонадон
3	**“Шейхон” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий чегаралари**	**“Шейхон” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**	**Янги ташкил этилаётган “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**
	Халқобод Обиҳаёт Шейхон Бунёдкор Бекобод Эмакти Ревартун	Халқобод Обиҳаёт Шейхон Бунёдкор Бекобод Эмакти	Қуйи Ревартун Арабхона маҳалласидан Юқори Ревартун

4	**“Консурун” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий чегаралари**	**“Консурун” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**	**Янги ташкил этилаётган “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**
	Арабон Ғалаба Консурун	Арабон Ғалаба	Консурун Гулбоғ маҳалласидан Қўлба
5	**Фурқат маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий чегаралари**	**Фурқат маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**	**Янги ташкил этилаётган “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси**
	Самарканд Ойбек Фурқат Мустақиллик Муқимий Ислом Каримов Бунёдкор	Самарканд Ойбек Фурқат Мустақиллик Муқимий Ислом Каримов	Бунёдкор